O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «17» июн №487-у

**Нуробод туманидаги 8, 11, 24 умумий ўрта таълим мактабларига қўшимча спортзал қуриш тўғрисида**

2017 йил манзилий дастурига киритиш бўйича таклиф берилган объектларнинг дастлабки манзиллий дастурига асосан Нуробод туманидаги 8,11,24 умумий ўрта мактабларига қўшимча спортзал қурилиши кўзда тутилаётганлигини ҳисобга олиб ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 2016 йил 15 июндаги №02/190 т рақамли хатини ўрганиб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги 8,11,24-умумий ўрта таълим мактабларига қўшимча спортзал қуриш учун рухсат берилиб, мактабларнинг мавжуд ҳудудидан тегишли ер майдонлари ажратиб берилсин.

2. 8,11,24-умумий ўрта таълим мактабларига қўшимча спортзал қуриш учун муҳандислик тармоқлари таъминотлари, мактаблар фойдаланиб келаётган мавжуд тармоқларнинг энг яқин нуқталарига уланиши белгилаб қуйилсин ва тегишли туман ташкилотларига мазкур мактабларга спортзал қурилиши учун зарур бўлган техник шартлар ва техрекомендацияларни шу асосда тайёрлаб бериш топширилсин.

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев), туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири (У.Сапаров)ларга тайёрланадиган лойиҳа хужжатлари асосида манзилий дастур тасдиқлангандан кейин спортзаллар қурилишини бошлаш учун мазкур ажратилган ҳудудни, (тегишли бино ва иншоотларни) жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида пудратчи ташкилотга топшириш юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими в.б** **Б.Эргашов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI NUROBOD TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA